



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 982

2019 йил «14» ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ А.ЗИЁНИНГ
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 126-Темирйўлчилар сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати Азамат Хамидович Зиё бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўзининг берган ёзма аризасига асосан унинг депутатлик ваколоти муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Раис

М.Абдусаломов